

АХСИКЕНТ

Ғаниев Азамат Илхомжон ўғли

Наманган вилояти тархи ва маданияти давлат музейининг

Мустаққилик бўлим мудир

Аннотация: Ахсикент архелогик ёдгорлиги ўз даврида ҳунармандчилик ва илим фан, маданият маркази бўлган.

Калит сўзлар: Кулолчилик, шишасозлик, бадий кашталар, нафосати гулдор матолар, ёғочсозлар.

Наманган вилоятида тархий ёдгорликлар ҳақида сўз очилганда аввало буюк ипак йўли ёқасида жойлашган Ахсикентни тилга оламиз. Ахсикент ёдгорлигини қанча кўп ўргансак шунча кам ўрганганмизни такидломоқчи бўлади.

Президентмиз Ш. М. Мирзиёевнинг бу диёрдаги машҳур қадимий манзилгоҳлар саналмиш архелогик ёдгорликлар бўлган Ахсикент, Мунчоктепа, Муғтепа каби архелогик ёдгорликлар ҳамда ўлкадаги ҳунармандлар томонидан турли даврларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ҳам ўтмишда бу ҳудудда ўзига хос цивилизацияга эришилганлигидан ва бой маданий тараққиётга эга бўлганликларидан далолат беради дея таъкидлаганликлари бежиз эмас.

Тархий манбаалар ўрганилганда Ахсикент номи Ахсикент ёки Ахсикат номи билан юритилгани ёзиб қолдирилган. Шу билан бирга бу кўҳна ва муаззам шаҳар узоқ давр Фарғона водийсининг пойтахти бўлганлиги ҳам сайёҳ ва географ, тарихчи олимларнинг ёзиб қолдирган асарларида, жумладан, XIII асрда яшаган бағдодлик олим Ёқут ал Ҳамавийнинг “Муъжам ул-удабо” (“Адиблар луғати”) ва “Муъжам ул-булдон” (“Мамлакатлар луғати”) асарларида ўша даврлардаги мамлакатларда, жумладан, Ахсикентда туғилиб вояга етган олим ва шоирлар ҳақида маълумотлар берилган бу ернинг қулай иқлими, табиий бойликлари Ахсикентда ҳунармандчилик ривожланишига ҳам замин ҳозирлади.

Энг қадимги ҳунармандчилик тури бўлган кулолчилик тарққий этди ва археологик қазишма даврларида топилган ашёлар ўша давр ҳақида хулосалар беришга энг ишончли далилдир.

Кейинги даврларда шишасозлик ривожланганлиги ва уста ҳунармандлар томонидан турли буюмлар: коса, хум, кўза кабилар ҳамда заргарлик буюмлари, мисгарлик, темирчилик каби ҳунарманчилик санъат даражасида ривож топган.

Ахсикентда шишасозлар шиша буюмлар тайёрлашда ажойиб идишлар тайёрлаганликларини бу ердан топилган шишасозларнинг иш қуроллари намуналари топилганлиги бизни юртмизга четдан шиша буюмлари Хитой, Арабистон, Эрон, Туркия каби юртлардан келтирилган деган фикрларни инкор этди.

Ахсикент шаҳрида IX-XII асрларга оид турли металлдан тайёрланган узуклар ҳам топилган бўлиб, қазишма даврида бизгача ер бағрида ўтмишни кўприк бўлиб бизга етказган намуналар топилди. Уларни турларга ажратилса, олтин, кумуш, бронза, мис, темир, ҳаттоки шишадан ҳам ясалган узуклар топилган, узуклар кўзли ва кўзсиз тайёрланган. Бу узуклар аجدодларимизда эзгулик, муҳаббат, вафодорлик, тимсоли ҳисобланган ҳаттоки узуклардан муҳурли узуклар ҳам ясалган. Ўз давирга оид зеби-зийнат буюмларни ясайдиган заргарлик асбоб ускуналари ҳам Ахсикент харобаларидан топилганлиги бу қадимий шаҳарда аввалданоқ заргарлик буюмларни ясайдиган устахоналар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ахсикент кулолчилигини алоҳида мавзу дейиш мумкин. Чунки, археологик тадқиқотлар натижасида миллодан аввалги III-II асрлар ва эрамининг IX-XII асрларга мансуб турли туман аجدодларимиз томонидан тайёрланган ва фойдаланилган сопол буюмлари, уй-рўзғор анжомлари, савдо муносабатларида ишлатилган тангалар, пахса деворлар, сопол қувурлар қолдиқлари топилган ва булар Наманган вилояти тархи ва маданияти давлат музейининг кўргазма залларида неча йиллардан буён ўлкамиз тарихидан сўзлаб, келган зиёратчиларга маълумотлар бериб турибди.

Ахсикент шаҳри ёдгорлиги ўзбек халқининг тархини ўзида мужассам этувчи ва тарих саҳифаларини тўлдирувчи кўҳна ва қадимий ёдгорликдир. Топилмалар

асосида халқимизнинг ўтмиш маданияти, санъати ниҳоятда бой ва ранг- баранг бўлганлигидан далолат беради. Бу санъатнинг кўпгина турлари шу жумладан узуклар, бадий кашталар, нафосати гулдор матолар, ёғочга, металлга айниқса, узукларга ишланган безаклар ўзининг гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун этган.

Ўтмишимизга оид маданий қатламларни тарихий ўрганишимиз учун Ахсикент ёдгорлиги ҳам муҳим далилий ашёвий макон бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда маданиятимиз тарихни янги саҳифалар билан безашга имкон яратмоқда.

XX асрнинг 60-70-йилларида Ахсикентдан XV-XVI асрга оид мисдан зарб этилган чақа пуллар хазинаси топилди. Бундан ташқари Ахсикент харобаларидан ғариброкда қулдорлик даврига оид антик шаҳар харобалари борлиги қазилма пайтида аниқланди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбек адиблари” Тошкент, “Ғофур Ғулом номидаги адабёт ва санъат наширёти”. 2016 й
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилд. Тошкент, 2000-2005 йил
3. www.ziyounet.uz.